КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2008 ЙИЛ, 24 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 209 (11.270)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Самандаров Исматилло Ибодиллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсининг цикл бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»**

**Тулупова Елена Петровна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги спорт-соғломлаштириш комплекси бўлим бошлиғининг ўринбосари

*Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари билан халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Мирфайзиев Миркомил Мирҳошимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Султонова Жамила Раҳматовна** — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

**Турсунов Шавкат Бурҳонович** — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими бошлиғи

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бердиев Куралбай Мирзанович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

**Жўраев Раҳматжон Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси терговчиси

**Карабаев Ойбек Равшанович** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Осипова Светлана Михайловна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлимининг бўлинма бошлиғи

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллабеков Жасурбек Улуғбекович** — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими тезкор вакили

**Давлатов Шукрулло Одинабоқиевич** — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Мамаражабов Абдинаби Раббимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

**Ражабов Абдукарим Абдувалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

**Темуров Шуҳрат Шукур-Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили

**Тошпўлатов Нурбек Бекмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасининг ҳарбий қисм катта мутахассиси

**Тургунов Эркин Тулкунович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги экспертиза марказининг катта эксперти

**Турдиев Пўлат Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг катта мутахассиси

**Эргашев Асрор Акрамович** — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори

**Эргашев Жавлонбек Ғуломович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдикаримов Муратбай Утегенович** — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасининг бошлиғи

**Абдураззоқов Баҳодир Жуманович** — Андижон темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими милиционери

**Жўраев Жавлон Қаршибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси кинология маркази бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Курбонов Ўктам Ражабович** — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари

**Мажитов Тўлаш Абдуллаевич** — Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

**Муртозаев Шаҳриддин Темирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича гуруҳининг бош мутахассиси

**Отаев Саид Музаффарович** — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Саитбаев Тимур Ренатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг ўринбосари

**Хазбулатова Алсу Фавзиевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказининг бўлим бошлиғи

**Ҳамдамов Юнусхон Бувахўжаевич** — Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси махсус отрядининг командири

**Шатимиров Шамсиддин Муҳаммадиевич** — Тошкент темир йўл бекати тармоқ ички ишлар бошқармасининг милиционери

**Янгибоев Акбар Таллибоевич** — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг бўлинма бошлиғи

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Жўраев Фуркат Аъзамович** — Навоий вилояти Навоий шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Иноятов Ихтиёржон Бафоевич** — Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили

**Мустафокулов Сафар Эшболтаевич** — Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Полохин Игорь Александрович** — Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси 2-махсус гуруҳи катта ходими

**Хамидуллин Ильмир Гиндулович** — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 23 октябрь*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**





Мамлакатимизнинг ёш мусиқачилари дунё саҳналарини забт этмоқдалар...

## МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ РИВОЖИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА 23 ОКТЯБРЬ КУНИ «ИПАК ЙЎЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА МАДАНИЯТ ЙЎНАЛИШИДАГИ САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЮНЕСКО ҲУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ВАКИЛИ ЛОЛА КАРИМОВА ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ НУФУЗЛИ АНЖУМАНДА ЭЛЛИК ДАВЛАТДАН ВА ҚАТОР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРДАН ВАКИЛЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.**

Конференцияда мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмаси бутунлай ўзгарди. Сайёҳликнинг янги йўналишлари шакллантирилди, замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, қадимий обидалар, муборак қадамжолар таъмирланиб, ободонлаштирилди, янги йўллар барпо этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу соҳани ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон маданият йўналиши, жумладан, сайёҳлик соҳасида ЮНЕСКО билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Ушбу халқаро ташкилот халқимизга хос гилам, атлас, адрас тўқиш, кулоллик каби ҳунармандликнинг ноёб турларини, миллий фольклорни тарғиб этишда фаол қатнашади. Қадим шаҳарларимиз ва улуғ аждодларимизнинг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида ўтмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Форумда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Л.Каримова Буюк Ипак йўли нафақат савдо йўли, айни пайтда халқлар ўртасида маданий-маърифий ҳамкорлик воситаси бўлганини, уни тиклашда Ўзбекистоннинг иштироки алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, муқаддас қадамжолари, дам олиш масканлари билан ном қозонган. Юртимиз ҳар йили камида бир миллион хорижий сайёҳни қабул қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу анжуман нафақат Ўзбекистон, балки Буюк Ипак йўлидаги барча мамлакатларнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла ишга солиш юзасидан фикр алмашиш учун қулай имкониятдир.

*(Давоми 2-бетда).*

## Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** Ислом университетида «Аёлларнинг жамиятдаги ўрни» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида талаба қизлар, фаол аёллар ва ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалласида Республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида одам савдоси, гиёвандлик, СПИДга қарши курашнинг самарали усулларига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Тошкент шаҳар маданият ходимлари Касаба уюшмаси ҳамкорлигида «Истиқлол таянчи ёшлар» мавзуида уюштирилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида уй ҳамшираси курсини якунлаган ёшларга дипломлар топширилди.

● **ҲАМЗА** туманида жойлашган Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс марказида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Тил — ҳаёт кўзгуси» мавзуида адабий кеча ва концерт дастури уюштирилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

### ШАЙХ САБОҲ АЛ-ХОЛИД АЛ-ҲАМАД АС-САБОҲ:

## «ЎЗБЕКИСТОН-КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИ ҚИЗҒИН РИВОЖЛАНМОҚДА»

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУВАЙТДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Кувайт ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, нуфузли ишбилармонлар, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Кувайт ахборот вазири шайх Сабоҳ ал-Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ ва Ал-Кувайт шаҳри мэри шайх Али ал-Жобир ал-Аҳмад ас-Сабоҳ фахрий меҳмонлар сифатида иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари эътиборига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар, мустақиллик йилларида юртимизда қўлга киритилган натижалар ҳамда Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатлар тарихи ва истиқболлари ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Тантанали маросимга бағишланган қатор репортаж ва мақолалар Кувайтнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида, хусусан, «Аван», «Ас-Сияса», «Ал-Анба», «Ал-Дар», «Ар-Рай», «Ал-Ватан», «Ал-Васат», «Ал-Жарида», «Arab Times», «Kuwait Times» газеталари саҳифаларида чоп этилди.

*(Давоми 2-бетда).*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухоро шаҳрида 21-22 октябрь кунлари "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши: бугунги ҳолат, ютуқлар ва истиқбол" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (Ўзбекистон) ва Миллий демократия институтининг (АҚШ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Эберт номидаги жамғарма (Германия), Цукуба университети (Япония) томонидан ташкил этилди.**

**● Тошкентда Кредит уюшмалари ассоциациясининг бизнес-форуми ташкил этилди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди. Тадбирда ассоциацияга аъзо кредит уюшмалари вакиллари ўзаро тажриба алмашдилар ҳамда келгусида қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.**

**● Жиззах вилояти эндокринология марказида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида хайрия тадбири ўтказилди. Унда гормонал хасталикларга чалинган ўғил-қизларга 27 миллион сўмлик дори-дармонлар топширилди.**

**● «Камолот» ЁИҲ Сурхондарё вилояти бўлими кенгашининг «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан Термиз шаҳрида «Мен соғлом турмуш тарзини танлайман, сен-чи?» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарё вилояти Кўзи ожизлар кутубхонасида «Энг меҳрли кутубхоначи» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.**

**● «Ҳунарманд» уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими томонидан жорий йил бошида барча маҳаллаларда «Уста-шогирд» мактаблари ташкил этила бошланган эди. Ҳозирда 55 та маҳалладаги ана шундай таълим даргоҳларида 300 нафардан ортиқ ўқувчи 31 дан ортиқ турдаги ҳунар сирларини ўрганмоқда. Шогирдларга стипендиялар белгиланган.**

**● «Янги авлод» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Унда 472 нафар ёшлар ўз куч ва салоҳияти, истеъдод ва имкониятларини синовдан ўтказишди.**

**● Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди. Унда 40 нафарга яқин нафосат соҳиблари ўз маҳоратларини намойиш этишди.**

**● «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида «Камолот» ЁИҲ Қамаши тумани бўлими қошида «Ёшлар маркази» иш бошлади. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларнинг қобилиятларини ўстириш, иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида фаолиятини бошлаган ушбу марказда дастлаб «Уста-шогирд» анъанаси асосида уч ойлик бичиш-тикиш курси ташкил этилиб, ўн нафар йигит-қизлар касб сирларини эгаллашмоқда.**

## ЖАҲОНДА

**● Санкт-Петербургдаги Рус музейида неоклассицизм даврига оид ноёб осори-атиқаларнинг кўргазмаси очилди.**

**● Покистоннинг Шимолий Вазиристон туманидаги мактаблардан бирига ракета ҳужуми амалга оширилди. Бу ҳақда «AFP» хабар тарқатди. Бино учта ракета билан нишонга олинган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, ҳужум учувчисиз бошқариладиган самолётлар орқали ташкил этилган. Ҳозирча воқеа натижасида 11 киши қурбон бўлган. Лекин вайроналар остида яна ўнлаб инсонлар қолиб кетган бўлиши мумкин.**

**● АҚШнинг деярли барча штатларидаги ўнлаб банк ва давлат муассасаларига таркиби номаълум бўлган оқ кукун солинган хатларнинг келиши давом этмоқда. Федерал қидирув бюроси вакиллари маълумотига кўра, ҳозирча хатни олган шахслар кукундан ҳеч қандай азият чекмаган. Тахминларга кўра, бу ишга қўл ураётганлар АҚШда кечаётган молиявий инқироздан жиддий зарар кўрганлар бўлиши мумкин.**

**● Ҳиндистондаги мушаклар ишлаб чиқарувчи заводда кучли портлаш содир бўлди. Мамлакат полициясининг маълум қилишича, фожиа оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмган, 18 нафар ишчи тан жароҳатлари олган. Завод яқинидаги турар жой биноларига ҳам зарар етган. Ҳозирда портлаш юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.**

**● Россиянинг Самара шаҳрида кеча бир нечта йирик ёнғинлар рўй берганидан сўнг, бу ишда атайлаб ёндирувчиларнинг қўли бор деган хулосага келинди. Зеро, ёнғин рўй берган бир нечта жойдан ёндирувчи моддаларнинг излари топилди.**

**● Кеча бортида 8 киши бўлган Италия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли вертолёт Францияда ҳалокатга учради.**

**● Сомали қирғоқларидаги денгиз қароқчилари қўлида асирликда сақланаётган Украинанинг «Фаина» кемаси экипажи аъзолари ҳаёти хавф остида қолмоқда. Украинанинг «Сегодня» газетаси журналистлари қароқчилар билан телефон орқали алоқага чиқишга муваффақ бўлишди. Суҳбат чоғида қароқчилар асирдагиларга бир неча кундан буён сув ва овқат берилмаётгани ҳамда товон пули кўрсатилган муддатда тўланмаса, уларнинг ўлдирилишини маълум қилган.**

**● Россияда савдода бўлган тухум сариғида инсон соғлиғи учун зарарли меламин моддаси мавжудлиги аниқланди. Маълум бўлишича мазкур тухумлар Хитойдан келтирилган.**

# ЮРТ ПОСБОНЛАРИ ҲАМИША ЭЛ ХИЗМАТИДА

**ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА ҲАММАНИНГ КЎЗ ЎНГИДА САЛОБАТЛИ, АЛПҚОМАТ, ЮРАГИДА ВАТАН ИШҚИ ЖЎШ УРИБ ТУРГАН ПОСБОНЛАР ГАВДАЛАНИШИ ТАБИИЙ. ЗЕРО, ТАРТИБ ПОСБОНЛАРИГА ХОС ЖАМИКИ ЮКСАК ФАЗИЛАТЛАРНИ ЎЗЛАРИДА ЖО ҚИЛИБ, ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛИДА БИР ДАМ ТИНМАЁТГАН БУ СОҲА ВАКИЛЛАРИ ҲАМИША ЭЛ ХИЗМАТИДАДИРЛАР.**





Шу қаторда, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари ҳам пойтахт ҳудудида барқарорликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, эл-юрт осойишталигини сақлаш йўлида кеча-кундуз заҳматкашлик билан фаолият олиб бормоқдалар. Айни кунларда Ички ишлар идоралари ходимлари куни, касб байрамларини ўзларининг муносиб хизматлари



билан қарши олаётган посбонларнинг ҳар бир куни-ю, беором туни ўзига хос ўтади. Юртимизда ҳар бир соҳада кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширишда пойтахт ички ишлар идоралари ходимлари ҳам олдинги сафда хизмат олиб бормоқдалар.

–Бугунги кунда пойтахт ички ишлар идоралари сафлари юрагида Ватан ишқи жўш ураётган, жисмонан соғлом, маънан баркамол, билим савияси юқори, дунёқараши кенг ходимлар билан тўлиб бормоқда,– дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосари, полковник Абдунаби Кабулов.–Шунингдек, бош бошқарма идора ва тизимлари томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, содир этилганини «иссиғида» очиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар бесамар кетмаяпти. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида амалга оширилган кенг қамровли тезкор-қидирув ва огоҳлантирувчи чора-тадбирлар натижасида пойтахтимизда қотилликлар 0,7 фоизга, оғир тан жароҳати етказиш 0,6 фоизга, босқинчиликлар 6,6 фоизга, хонадон ўғирликлари сони 0,9 фоизга, маст ҳолатда бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони 8,4 фоизга, шунингдек, жиноят-қидирув йўналишидаги ва бошқа турдаги жиноятларнинг ҳам сезиларли даражада камайишига эришилди.

Ҳа, зиммаларидаги масъулиятли ва шарафли бурчларини сидқидилдан адо этаётган пойтахт осойишталик посбонлари айни кунларда «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Қарор ижросини таъминлаш борасида хизмат олиб бораётирлар. Ушбу Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрида намунали жамоат тартибини сақлаш, шаҳар аҳолисининг ва ташриф буюрадиган меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш, юқоридаги ўта муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш даврида ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ИИББ идора ва тизимлари мазкур ҳужжатда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга фаоллик билан киришганлар.

Шу билан бирга шахсий таркибнинг маънан баркамол, жисмонан бақувват бўлиши доимий равишда ИИББ раҳбариятининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда ходимларнинг замон билан ҳамнафас олдинга интилишларию, кенг ва ёруғ, замон талабларига мос ва хос тарзда жиҳозланган хоналарда хизмат олиб боришлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Айниқса ИИББ «Динамо» спорт-соғломлаштириш марказида ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари, спартакиададалар ҳамда футбол бўйича хотира турнирлари ўтказиб келинаётганлиги эътиборга моликдир.

Шунингдек, Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармаси янги биносининг фойдаланишга топширилиб, ҳозирда туман ИИБ ходимлари барча шарт-шароитлар яратилган хоналарда хизмат ўтаётганликлари ҳам масъулиятли касб эгаларига бўлган эътибордан далолатдир. ИИББ ҲООБ ҳузуридаги Вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида бўлган ҳар бир кишини эса бу ердаги шароитлар қувонтирмай қолмайди. Бу ерга асосан адашиб қолган ва қаровсиз болалар олиб келиниб, сўнгра ота-оналари бағрига қайтарилади. Агар ушбу болаларни гапга тутсангиз, бу маскандан кетгиси йўқликларини яширишмайди. Чунки, бу ерда улар меҳрибон тарбиячилари эътиборида эканликларини мамнуният билан такрорлайдилар.

Ўтганларни хотирлаш ва тирикларни қадрлаш миллатимизга хос фазилатлар сирасига киради. Чиндан-да, келажак авлоднинг тинч ва хотиржам тунлари, истиқболи нурафшон кунларини таъминлаш йўлида фидойиларча меҳнат қилган, юрт озодлиги йўлидаги ҳаракатларда ўз жонини қурбон қилганларни хотирлаш, уларнинг пок руҳлари шаънига дуои фотиҳа қилиш бугунги замондошларимизнинг инсоний бурчидир.

Ҳар йили 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан юртимизнинг турли гўшаларида бўлгани каби Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси идора ва тизимларида ҳам ушбу санага бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтади.

Яккасарой тумани ички ишлар бошқармасида хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ходимлар, катта лейтенант Мансур Турғунов, катта сержант Мирасқар Мирзаев, сафдор Суннат Каримжоновлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳамда Хотира боғининг очилиши шунингдек, ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ушбу тизимда хизмат қилиб, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш йўлидаги ҳаракатлар чоғида жон фидо қилган ходимлар хотирасига бағишланган «Хотира ёдгорлиги» мажмуасининг очилиши шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, эл-юрт осойишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлида туну кун сергаклик билан фаолият олиб бораётган, керак бўлса жонини ҳам фидо қилишга тайёр бу соҳа вакиллари тўғрисида ҳар қанча тўхталсак ҳам оз. Шундай экан, пойтахт ҳудудида барқарорликни таъминлашга ҳаракат қилаётган посбонларга ҳар бир куни осуда ўтишини тилаган ҳолда хизматда толмасликларини истаб қоламиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг фаол, заҳматкаш ходимлари фаолиятидан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

ШАЙХ САБОҲ АЛ-ХОЛИД АЛ-ҲАМАД АС-САБОҲ:

# «ЎЗБЕКИСТОН-КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИ ҚИЗҒИН РИВОЖЛАНМОҚДА»

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

«Ўзбекистон дипломатия ваколатхонасида бўлиб ўтган тадбирда ахборот вазири шайх Сабоҳ ал-Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳ иштирок этиб, икки мамлакат раҳбари ҳам турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни келгусида янада кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлади», деб ёзади ўз мақоласида «Аван» газетаси.

Ўзбекистон мустақиллиги мавзуси «Ас-Сияса» газетасида ҳам кенг ёритилди. Қатор фотосуратлар билан безатилган мақолада Кувайт Ахборот вазирининг «Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам асосга таянган ҳолда жадал ривожланмоқда» деган сўзлари келтирилади.

«Ҳамкорлигимиз ривожланиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланишидан умидвормиз» сарлавҳаси остида «Ал-Анба» газетаси Ўзбекистон ҳақида катта мақола ва ранг-баранг суратлар эълон қилган.

«Ўтган йиллар мамлакат учун жадал ривожланиш даври бўлди, — дейилади мақолада. — Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ўз иқтисодиётининг барча соҳаларини қайта қуриб, халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли аъзосига айланди, турли халқаро ташкилотлар фаолиятида яқиндан иштирок этиб, хорижий давлатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатиш ва жадал суръатда ривожлантиришга муваффақ бўлди. Бугунги Ўзбекистон – мустақил республика бўлиб, ўз давлатини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолат устунлиги каби умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида барпо этмоқда. Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги иқтисодиёти юқори даражада саноатлашган мамлакат. Мамлакат иқтисодиётининг асосини самолётсозлик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, машинасозлик, металлургия, шунингдек, нефть ва газ, кўмир қазиб олиш, кимё ва озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳалар ташкил этади».

Мақолада, шунингдек, мамлакатимизнинг табиий заҳираларга бойлиги ҳам таъкидланган бўлиб, юртимизда қазиб олинаётган минерал хомашёга бўлган талаб дунё бозорида юқори эканига эътибор қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ижтимоий соҳага йўналтирилган сиёсатни муваффақиятли тарзда амалга ошириш имконини бермоқда. «Мустақилликнинг илк кунлариданоқ амалга оширилган ошкоралик сиёсати ҳамда қулай сармоя муҳити туфайли Ўзбекистонга катта миқдордаги хориж инвестициялар жалб этилди», деб ёзилади нашрда.

Икки томонлама муносабатлар мавзусини давом эттириб, «Ал-Дар» газетаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайт Давлатига буюрган ташрифи ва унинг доирасида ўтказилган учрашувлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка янгича руҳ бағишлаганига урғу беради.

«2004 йил ноябрь ойида Кувайтда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси очилгани мазкур ташрифнинг амалий натижаларидан бири бўлди, — дейди газета. — Кейинги йилларда эса икки мамлакат делегацияларининг ўзаро ташрифлари бўлиб ўтди. 2007 йил июнь ойида Кувайт Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Муҳаммад Сабоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ Ўзбекистонга ташриф буюрди. Тошкентдаги учрашувлар чоғида икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро англашув Меморандуми имзоланди. Апрель ойида VI Халқаро ислом иқтисодий форумида иштирок этиш учун Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. Ғаниев Кувайтда бўлди. Июль ойи охирида эса юртимизга Кувайт молия вазири Мустафо Жасим аш-Шимоли раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонлар Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида учрашувлар ўтказиб, мазкур вазирлик билан Кувайт Инвестиция агентлиги ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласи юзасидан фикр алмашди. Кувайт амирининг жорий йил июль ойида Ўзбекистонга буюрган ташрифи бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди», — дея мақолага якун ясайди газета.

Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўтказилган учрашувларнинг муҳимлигини қайд этиб «Ал-Рай» газетаси «Кувайт амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи ҳамда унинг чоғида имзоланган битимлар икки томонлама муносабатларнинг юксак даражага чиққанини ифодалайди», дея таъкидлайди.

«Ас-Сияса» газетаси эса, жумладан, шундай ёзади: «Кувайт амирининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида қўшма қўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик битимлари, нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандумлари имзоланди. Шунингдек, томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоландики, мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистондаги Кардиохирургия марказини тиклаш ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида 12,97 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилиши кўзда тутилади».

**«Жаҳон» АА.**
**Ал-Кувайт.**

# МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ РИВОЖИ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Форумда «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси З.Ҳакимов Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳияти ҳақида сўзлади. Ўзбекистоннинг географик қулай жойлашуви, ривожланган транспорт-коммуникация тизими соҳани ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда юртимизда тўрт мингдан зиёд тарихий обида ва дам олиш маскани мавжуд, эсдалик совғалар тайёрлайдиган беш юздан ортиқ корхона бор. 1993 йили мамлакатимизда 20 меҳмонхона бор эди, ҳозир уларнинг сони уч юздан ошади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Т.Рифаи туризмнинг дунё миқёсидаги бугунги кўлами ҳар қачонгидан кенг эканлигини қайд этди. Сайёҳлик ўзига хос маданиятга ва иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан бирига айланди. Демак, маданият йўналишидаги сайёҳлик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш халқларнинг маданиятини бойитиш, бир-бирини яқинроқ таниши, англаши ва билиши учун имкон яратади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари А.Паолинининг фикрича, тарихий обидалар оммалашгани сари уларни зиёрат қилувчи сайёҳлар сони ҳам кўпая боради. Бундай шароитда обидаларнинг муҳофазасини таъминлашни такомиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашувини фаоллаштириш зарур. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли ишлар эътиборга молик.

Анжуманда Буюк Ипак йўли савдо йўли бўлиш билан бирга маданий-маърифий ҳамкорлик воситаси ҳам экани алоҳида таъкидланди. Масалан, Ўзбекистонда Будда ибодатхоналари, Хитойда масжидлар бўлгани аниқланган. Бу икки мамлакат ҳудудида яшаган халқлар қадимдан илм-фан ва маданият соҳасида алоқалар ўрнатганидан далолат беради.

Маданият йўналишидаги сайёҳликнинг долзарблиги шундаки, ҳозирги кунда сайёҳлар ҳордиқ чиқариш, табиат гўзалликларидан баҳра олиш ва осори атиқалар билан танишиш баробарида мезбон мамлакатнинг иқлими, географияси, халқининг турмуш тарзи, маданияти, санъати, ҳунармандлик буюмлари, миллий таомлари ва кўплаб бошқа маданий-маънавий қадриятларини ўрганишга қизиқиш билдирмоқда.

Анжуманда Япония, Россия, Хитой, Афғонистон, Болгария, Ироқ ва бошқа мамлакатлар вакиллари маданият ва сайёҳлик, маданият йўналишидаги сайёҳлик истиқболлари, халқлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришда Буюк Ипак йўлининг ўрни ҳақида сўз юритдилар. Қатнашчилар маданият йўналишидаги сайёҳликни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Ҳамкорлик ва тажриба алмашиш, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, маданият йўналишидаги сайёҳликни фаол ва кенг тарғиб этиш, Буюк Ипак йўлининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш дастурларини рағбатлантириш, Буюк Ипак йўли бўйлаб умумий сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Форумда Буюк Ипак йўли мамлакатларида маданият йўналишидаги сайёҳлик ривожини қўллаб-қувватлашга доир резолюция қабул қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси раиси Р.Қосимов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

# МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИДА 23 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ МОНИТОРИНГИ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ва бошқа тегишли вазирликлардан, суғурта компанияларидан, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларидан вакиллар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда иқтисодий соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида суғурта фаолиятини ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Мустақиллик йилларида суғурта бозорини янада ривожлантириш, унинг мамлакат иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва ролини оширишга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар ва шароитлар яратилди.

Суғурта бозор инфратузилмасининг таркибий тузилмаларидан бири сифатида хизмат кўрсатиш соҳасида муҳим ўрин тутади. Шу маънода, суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ўтказилган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун мониторинги натижаларини атрофлича муҳокама қилиш, ушбу қонунни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Давра суҳбати иштирокчиларига Институт томонидан суғурта компаниялари ва агентлигида, тадбиркорлик фаолияти субъектлари, фуқаролар ва суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан иборат жами 600 нафардан ортиқ респондент орасида ўтказилган анкета сўрови натижалари, ўтказилган суҳбатлар натижасида олинган фикр-мулоҳазалар ҳамда давлат бошқаруви органлари, суғурта компаниялари, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларидан суғурта фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган таклифлар, суғурта фаолияти бўйича статистик таҳлиллар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш хусусида, бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни билдиришди.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан суғурта фаолиятига доир қонунлар ва уларни амалда татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

*Фармон ва ижро*

# ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

**ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ МАЪЛУМОТИГА КЎРА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АҲОЛИ ОРАСИДА СУРУНКАЛИ БОШ МИЯ ҚОН АЙЛАНИШИ БУЗИЛИШИ ТУФАЙЛИ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ИНСУЛЬТ ХАСТАЛИГИ КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИГА ЖИДДИЙ ТАҲДИД СОЛАДИГАН БУ ХАСТАЛИККА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ВА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИГА ЕТАРЛИ РИОЯ ЭТМАСЛИК, КАМ ҲАРАКАТЛИЛИК, ИЧИШ ВА ЧЕКИШГА БЕРИЛИШ СИНГАРИ САЛБИЙ ИЛЛАТЛАР САБАБ БЎЛАЁТИР. БУ МУАММОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ПРОФИЛАКТИКА ВА ДИАГНОСТИКА ТАДБИРЛАРИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ИЛМ-ФАННИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУР.**

Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицейда бўлиб ўтган сурункали бош мия қон айланиши бузилиши билан кечадиган хасталикнинг диагностикаси ва даволашнинг самарали технологияларига бағишланган республика анжуманида шу ҳақда гап борди. Унда мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Россия ва Беларусдан келган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Н.Шаропов, Тошкент тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар таъкидлаганидек, юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тиббиёт муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, бирламчи шифо масканларининг фаолият кўламини кенгайтириш ва халқимиз саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда тиббиётнинг бошқа йўналишлари сингари ангионеврология соҳасини ҳам тубдан такомиллаштириш, бундай хасталикка чалинган беморларга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Шунинг билан бир қаторда инсон ҳаёти ва саломатлигига жиддий таҳдид туғдирадиган ва ногиронликка олиб келадиган бундай оғир хасталиклар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида профилактика ва диагностика чора-тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Умумий амалиёт шифокорлари, неврологлар, кардиологлар, қон-томир тизими касалликларини даволовчи жарроҳлар бу борада изчил иш олиб бормоқда. Ушбу соҳа бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш доимий эътиборда.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилаётган улкан эътибор аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтираётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Россия тиббиёт академияси академиги Анатолий Покровский. — Бундай эътибор ангионеврология соҳасида ўз ечимини кутаётган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳам хизмат қилмоқда. Айтиш жоизки, тиббиётнинг ушбу йўналишида кутилган самараларга эришиш учун профилактика ва диагностика имкониятларини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада давлатингиз томонидан шифо масканларини замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан таъминлаш, малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини тубдан такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар юксак самаралар беришига ишончим комил.

Анжуманда ангионеврология йўналишида илм-фан эришаётган ютуқлар, бу борада жаҳон тиббиётида қўлланилаётган янги технологиялар, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, бош мия хасталикларини барвақт аниқлаш, олдини олиш ва ўз вақтида даволаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

*Анжуманлар*

# «ИННОВАЦИЯ — 2008»

**БУГУН АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «ИННОВАЦИЯ-2008» НОМЛИ АНЪАНАВИЙ XIII ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.**

Анжуман кунлари «Ёшлар ва таълим муаммолари», «Иқтисод соҳаларида нанотехнологиялар, инновацион жараёнлар», «Табиий, минерал хом ашёвий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ечиш учун инновацион технологиялар ва усуллар», «Кончилик иши ва металлургия», «Технологик жараёнлар ва объектларни бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимлари», «Тизимий таҳлил ва математик моделлаш», «Информацион технологиялар ва тизимлар ҳамда уларнинг амалий аспектлари (масофавий таълим, электрон, савдо ва бошқалар), «Информацион хавфсизлик муаммолари», «Сув–Саҳро-Экология муаммолари ва ечимлар» каби йўналишлар бўйича саккизта шўъбалар фаолият кўрсатмоқда. Умумий мажлис ва шўъбаларда республика вилоятлари ҳамда Россия, Голландия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар вакилларининг тақдим этилган 200 дан ортиқ долзарб мавзудаги маъруза ва бошқа илмий-амалий ишлари муҳокама қилинади. Анжуман материалларининг тўплам сифатида нашр этилганлиги ва тарқатилганлиги олимлар, саноатчилар, тадбиркорлар, ёш тадқиқотчилар фаоллигини янада оширишда, инновацион ютуқларни аккумуляциялаш ва намоён этиш, тажриба алмашиш ва халқаро алоқаларни, маданий, илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш-тажриба ва фикр алмашиш муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш имкониятларини янада кенгайтиришда қўл келади.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий мактаб Халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон» илмий-саноат, ташқи иқтисодий ва амалий ҳамкорлик ассоциацияси, Тошкент Давлат техника университети, Стратегик инновациялар ва Информатизация маркази, «Ўзбекўқувавтоматика» Республика маркази ҳамкорлиги ва ташкилотчилигида ўтмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

